

ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

←1 Ушбу жараёнлар оммавий ахборот воситаларида ҳамда ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилиниб, қизгин баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди.

Натижада келиб тушган барча тақлифлар ишчи гуруҳ томонидан чуқур ўрганилиб, умумлаштирилди, ривожланган хорижий давлатларнинг соҳага оид тажрибаси таҳлил этилиб, ягона қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди. “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончи ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасида қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланди ҳамда уни Ўзбекистон Республикаси Президенти 2023 йил 11 апрелда имзолаб, ижрога қаратилди.

Биз ҳозирги кунда Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирилик ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда мазкур қонуннинг сўзсиз ижросини таъминлаш, уни ҳаётга кенг жорий этиш бора-борада тизимли ишларни амалга оширмақдамиз.

Шунингдек, Сенат томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонунига оилавий тадбиркорлик субъектларига беш нафаргача (*амалда уч нафаргача*) доимий ходимини улар билан меҳнат шартномасини тузган ҳолда ёлласа, бир оилавий корхона иштирокчисига бир вақтнинг ўзида бошқа оилавий корхона иштирокчиси бўлиш ҳуқуқини бериш ҳамда айрим тушунчаларни янада аниқлаштириш юзасидан бир қатор тақлифлар берилди. Ушбу тақлифлар инобатга олинган тарзда ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасида қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланди.

Албатта, қонунга киритиладиган ушбу янгиланган мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, хизматлар ҳажмини ва сифатини ошириш имконини беради. Қолаверса, бу бугунги кунда республикаимизда 67 мингдан ортиқ оилавий тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатаётганини эътиборга олсак, яна минглаб янги иш ўринлари яратилади, дегани.

Биз пастга тушиб, маҳаллий Кенгашлар билан биргаликда сайловчиларни ҳам кенг жалб этган ҳолда аҳолининг қонуний талабларини ўрганиш, тегишли қонунчилик тақлифларини шакллантириш, уларни қонунчилик ташаббуси тартибда Қонунчилик палатасига киритиш борасидаги ишларимизни изчил давом эттирмақдамиз.

Маълумки, қонун ижодкорлиги ўзига хос мураккаб усул ва воситалар мажмуини талаб этадиган, жамиятда ҳуқуқ нормалари билан тартибга солишга бўлган эҳтиёжни аниқлашдан то тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат қучга кириб, унинг ижроси мониторингини

амалга оширишгача бўлган мураккаб жараённи ўз ичига олади. Мана шу талаблардан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда олиб борилаётган изчил ислохотлар натижасида янги қонунларни ишлаб чиқиш ёки амалдагила-рға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёnlарида Сенат бевосита иштирок этиб келмоқда. Агар таққос-лайдиган бўлсак, Сенатнинг 2015 — 2019 йилларда қонунлар ва бошқа масалалар муҳокамасига бағишлан-ган 25 та ялли мажлиси ўтказилиб, уларда 494 та масала, шундан 226 та қонун кўриб чиқилган бўлса, 2020 — 2022 йилларнинг ўзида жами 36 та ялли мажлиси ўтказилган. Улар-да 540 дан ортиқ масалалар, жумла-дан, 239 та қонун кўриб чиқилган. Эътиборли жиҳат шуки, айрим нор-маларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонун-ларга зидлиги, такомиллаштириш за-рурияти бўлганлиги сабабли 18 та қонун рад этилган.

Биз яхши англаймизки, янгиланган Конституцияни изчил ҳаётга татбиқ этиш, киритилаётган ҳар бир ўзгартириш ёки қўшимчанинг сўзсиз ишлашини таъминлаш пишиқ-пuxта тайёрланган, ўзининг аниқ ижро ме-ханизмига эга бўлган қонунлар орқа-ли амалга оширилади. Шу маънода айтиш мумкинки, қонунларни ишлаб чиқишда барча иштирокчи субъектлар бирдек масъулиятни ҳис этиши бу борада хал қилувчи аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистон-нинг тараққиёт стратегиясида бу бо-рада амалга оширишимиз зарур бўлган вазифаларни аниқ кўрсатиб берди.

Жумладан:

- ҳар бир қонун лойиҳаси юза-сидан фикр ва тақлифларни қўйи-дан — фуқаролардан, жойлардаги халқ депутатлари Кенгашларидан олиш тартибини кенг жорий этиш, қонунларни қабул қилиш жараёни-да уларни аҳоли ўртасида ҳар то-монлама муҳокама қилиш тизими-да самарали фойдаланиш;
- қонунлар муҳокамасига кенг халқ оммасини жалб қилиш мақса-дида жараёнга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, жумладан, интернет тармоғида махсус “майдон”лар яратиш;
- қонун ижодкорлиги бўйича му-айян даврга мўлжалланган миллий фаолият дастурини қабул қилиш, уни ишлаб чиқиш жараёнида мам-лакатимизнинг кейинги ривожланиш босқичида қайси қонун ёки қандай ҳужжатларга эҳтиёж кўпроқлигини аниқлаш ва парламент ўз фаоли-ятини ана шуларни эътиборга олган ҳолда режалаштириши лозимлиги белгиланди.

Охирги йилларда қонун ижодкорли-ги сифатини ошириш мақсадида жо-рий этилган янгилеклардан яна бири — меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда уларни коррупцияга қарши ва гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказишининг йўлга қўйилгандир. Шу йилнинг 30 ноябрь куни Тошкентда

юқори савияда бўлиб ўтган Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда парламентлараро ҳамкор-лик бўйича II глобал форумда ҳам бу тажриба кўпчилик томонидан эътироф этилди. Шунингдек, Барқарор ривож-ланиш мақсадларини бажариш нуктаи назаридан ҳам ҳуқуқий экспертизани йўлга қўйиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Бугунги кунда юртимизни ижти-моий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, умумътироф-даги халқаро стандартлар ҳамда Ўзе-бистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларини, шунингдек, БМТнинг устас органлари ва шартномавий қўми-таларининг тавсияларини ҳисобга ол-ган ҳолда миллий қонунчилигимизни такомиллаштириб бориш ишлари жа-дал давом этмоқда. Сўнгги бир неча йил ичида “тартибга солувчи гильоти-на” усули билан ўз аҳамиятини йўқот-ган 4 мингдан ортиқ ҳужжатлар бекор қилинди. Натижада амалдаги қонунчи-лик 10 фоицга қисқартирилди. Қонун ҳужжатлари фаол кодификацияланди. Мисол сифатида айтадиган бўлсак, 3 та қонун ва 50 дан ортиқ қонуности ҳужжатларини бирлаштирган “Инвес-тициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”, “Лицензиялаш, рұхсат бе-риш ва хабардор қилиш тартиб-тао-миллари тўғрисида”ги қонунлар имзо-ланди. Албатта, қонунларни такомил-лаштиришдаги бундай ёндашув қонун-чиликдаги мавжуд зиддият ва қарама-қаршиликларнинг олдини олишга хизмат қилади, уларнинг тўлиқ ва бир ҳолда ижро этилишини таъминлайди.

Маълумки, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш қонун ус-туворлигини таъминлаш ва қонунчили-кни мустаҳкамлашнинг муҳим шартла-ридан биридир. Яқинда “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фик-рини ўрганиш маркази томонидан ўтка-зилган социологик тадқиқотда аҳоли-нинг ҳуқуқий саводхонлиқ ва ҳуқуқий маданияти даражаси сўнгги йилларда сезиларли равишда ошгани қайд этил-ган. Бу нимадан далолат? Албатта, юртдошларимиз мустақил Ватанда эркин ва озод бўлиб яшаш нималиги-ни ўз ҳаётида, амалда кўрмоқда, инсон қадри улуғланаётганини қалбдан ҳис қилмоқда.

Мамлакатимизда янги тахиррдаги Бош қомусимиз асосида жамиятни де-мократик ўзгартириш, янги сиёсий-ҳуқуқий тизимни шакллантириш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш жа-раёнлари фаол давом этаётган бир даврда мазкур йўналишдаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш долзарб вазифамиздир. Шу ўринда, Сенатнинг ҳар бир ялли мажлисидан сўнг, сенаторларимиз ўзлари сайланган ҳудудларга чиқиб маҳаллалар, муассаса ва ишлаб чиқа-риш корхоналари жамоалари ўртаси-да қабул қилинаётган қонунлар маз-мун-моҳиятини тушунтириш ишларини олиб бораётганини айтиб ўтиш мум-кин.

Маълумки, мамлакатимизда барча соҳада олиб борилаётган кенг қўлам-ли ислохотлар, жамият ва давлат бошқаруви тизимида турли муносабат-

лар янгиланиб бориши ва замон та-раққиёти Конституцияимизни бугунги давр воқелигига, фундаментал янги-ланиш жараёнларига мослаштириш за-руратини юзага келтирди. Ҳозир янги-ланган Конституция асосида ҳокимият ваколатлари бўлиниши, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини сақлаш принципларини изчил амалга ошириш, халқ ҳокимия-тини, парламентаризмни ҳар томонла-ми ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партиялар ролини кучайтириш-га қаратилган ислохотлар сифат жиҳатдан янги босқичда давом этти-рилмоқда.

Янги тахиррдаги Конституцияга му-вофиқ ҳокимлар ва маҳаллий Кенгаш-лар ваколатларини ажратиш назарда тутилди. Яъни вилоят, туман ва шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаб турган шахс бир вақтнинг ўзида Кенгаш раи-си лавозимини эгаллаши мумкин бўлмайди.

Бу жараён Тошкент шаҳри ва вило-ятлар микёсида 2024 йилдан, туман ва шаҳарларда эса 2026 йилдан бош-ланиши белгиланган. Бу, биринчидан, ҳокимиятларнинг масъулияти ва жа-вобарлигини оширади. Иккинчидан, ҳокимликлар ва маҳаллий Кенгашлар-нинг вазифалари такрорланишга барҳам беради. Учинчидан, маҳаллий вакиллик органларининг халқ номидан муҳим сиёсий қарорларни мустақил қабул қилиб, ижро ҳокимияти орган-лари устидан таъсирчан Кенгаш ва де-путатлик назоратини ўрнатиш имкони-ни беради. Бундай янги ёндашув на-тижасида ҳокимиятлар бўлиниши прин-ципи маҳаллий даражада ҳам тўлақон-ли тарзда татбиқ этилади.

Очиғини айтиш керак, авваллари ма-ҳаллий Кенгашлар депутатлари маж-лисларда номига қатнашиб, кўл кўта-риб, чапак чалиб чиқиб кетарди. Сўнгги йилларда Президентимиз ҳудудларни ривожлантириш борасидаги дастурлар ижросини назорат қилиш, аҳоли му-аммоларини дадил кўтариб чиқиш ҳамда уларнинг ҳал этилишида маҳал-лий Кенгашлар фаолияти таъсирчан-лигини, самарадорлигини ошириш бо-расида қатор ташаббусларни илгари суриб келмоқда.

Жумладан, Сенат маҳаллий Кенгаш-лар ишини ривожлантириш ва муво-фиқлаштириб боришда уларга яқиндан кўмак бера бошлади. Уларда доимий асосда фаолият юритувчи котибиятлар ташкил этилди ва Сенат Кенгаши қаро-ри билан халқ депутатлари вилоят, ту-ман, шаҳар Кенгаши котибиятининг на-мунавий тузилмаси ҳамда низоми тас-диқланди.

Маҳаллий Кенгашларда котибият мудури лавозимига депутатлар ораси-дан масъулиятли, тажрибали, жамоат-чилик орасида обрў-эътиборга эга номзодлар сайланди, котибият мута-хассиси лавозимига соҳани яхши ту-шунадиган, етарлича тажрибга эга, ташаббускор кадрлар жалб этилди. Маҳаллий Кенгашлар фаолиятини ра-камлаштириш мақсадида синов тари-қасида “kengash.gov.uz” платформаси ишга туширилди.

Маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги до-имий комиссиялар таркиби қайта қўриб

чиқилди ва улар фаолияти Сенат қўми-талари йўналишига мос тарзда тубдан қайта ташкил этилди. Ҳозир ҳар бир қўмита раиси ўз йўналишидан келиб чиққан ҳолда доимий комиссиялар би-лан биргаликда ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурла-рининг бажарилишини ўрганиб, мав-жуд муаммо ва камчиликларнинг жой-лардаги ижро ҳокимияти томонидан ҳал этилишига эришиб келмоқда. Ай-рим ижтимоий жиҳатдан муҳим санал-ган ўтқир муаммолар Сенатнинг ялли мажлисларида мутасаддилар иштиро-кида муҳокама қилиниб, уларни ҳал этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинмоқда.

Шунингдек, Сенат Раиси томонидан уч ойда, қўмита раислари томонидан ҳар чорақда маҳаллий Кенгашлар ко-тибияти ходимлари, доимий комиссия аъзолари ҳамда депутатларнинг мала-касани ошириб бориш мақсадида ўқув-семинарлар уюштириш йўлга қўйилди. Шу кунгача ўтказилган 50 дан ортиқ мана шундай ўқишларда депутатлар-нинг ҳуқуқий-сиёсий, ижтимоий-иқти-содий билимлари бойитилди, уларнинг ўз фаолиятини самарали ташкил этиш борасидаги қўнималари ривожланти-рилди. Маҳаллий Кенгашлар котиби-ятлари фаолиятини тўғри ва самарали йўлга қўйиш мақсадида тегишли ус-лубий қўланмалар ишлаб чиқилди.

Умуман олганда, амалга ошири-лаётган бу каби амалий ишлар нати-жасида сўнгги йилларда маҳаллий Ке-нгашлар фаолияти сезиларли даража-да жонланди. Сенатнинг маҳаллий ва-киллик органлари фаолиятига кўмак-лаш билан боғлиқ ваколатнинг эндиликда Бош қомусимизда мус-таҳкамлаб қўйилиши парламент юқори палатасининг ҳудудлар манфаатини ҳофиза этадиган орган сифатидаги ҳамкорлик ишларини янги босқичга олиб чиқишига кенг имконият яратди.

Шундан келиб чиққан ҳолда Сенат Кенгашининг тегишли қарори билан юқори палата девонни таркибида Худ-дий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази очилди. Бундан кўзланган асосий мақсад маҳаллий Кенгашлар фаолиятини ташкил этиш-га тизимли, мақсадли ва комплекс ёндашувни йўлга қўйиш, уларни жа-раёнга фаол жалб қилишдан иборат-дир.

Жумладан, марказ фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида маҳал-лий Кенгашларга ҳуқуқий, ахборот-таҳлилий ҳамда илмий-услубий жиҳат-

дан қўмаклашиш, уларнинг норма ижодкорлигига доир фаолиятини мо-ниторингдан ўтказиб бориш ва зарур тавсияларни ишлаб чиқиш, уларни янги қабул қилинаётган қонун ҳужжат-ларидан доимий хабардор этиб бо-риш мақсадида мунтазам ўқувлар уюштириш каби муҳим вазифалар бел-гилаб олинди.

Биз сўнгги пайтларда парламент на-зоратини йўлга қўйиш борасидаги иш услубимизни тубдан ўзгартирдик. Ижро ҳокимияти вакиллари билан биргалик-да мавжуд муаммолари масалаларга ком-плекс ёндашув асосида иложи борича уларни жойида ҳал этиш ёки бу бора-да аниқ натижага қаратилган чора-тадбирларни белгилаш ва уларнинг ба-жарилишини назоратга олишга эриш-моқдамиз.

Жорий йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Сенат аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, юқори пала-та девонни ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар Андижон, Наманган ва Фар-ғона вилоятларини ижтимоий-иқтисо-дий ривожлантириш бўйича дастурлар ҳамда Президентимиз ташфири даво-мида берилган вазифалар ижроси ҳолатини ўрганди. Сенат Кенгашининг жойларда ўтказилган сайёб мажлисла-рида масъул вазирилик ва идоралар ва-киллари, вилоят ва туманлар раҳбар-лари иштирокида ўрганишлар натижа-лари қўриб чиқилди.

Шунингдек, Сурхондарё, Хоразм, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида ташкил этилган қучор таҳлилий ўрга-нишлар натижалари Сенат ялли маж-лислари ва Кенгаш йигилишларида жиҳдий муҳокама қилинди.

Жумладан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг инвестиция ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича йўл қўйилган камчи-ликлар ва мутасадди раҳбарларнинг бу борадаги шахсий масъулияти танқидий кўриб чиқилди. Хусусан, белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларга тўлиқ эришилмасдан қолаётгани, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида ажратилган маблағлардан фойдаланиш талаб даражасида эмаслиги, саноат зоналарида инфратузилма объектлари-нинг қурилиши якунига етказилмаган-лиги сабабли уларни тўлиқ қувватда ишлатиш имкони бўлмаётганлиги каби муаммоларни ҳал этиш бўйича ман-зилли дастурлар ишлаб чиқиш ва улар-нинг бажарилишини назоратга олиш юзасидан Сенат қарорлари қабул қилинди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда халқимиз ҳаётини тубдан янгилаш, жамиятимизнинг янги, демократик қиёфасини яратишга қаратилган ислохотлар қўлами борган сайин кенгайиб, изчил давом этмоқда. Буларнинг барчаси инсон манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилгани, аввало, халқимиз, қолаверса, дунё ҳамжамиятининг эътирофига сабаб бўлмоқда.

Албатта, янги тахиррдаги Конституцияимизни жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳасига татбиқ қилиш, ижро органлари фаолиятини шу асосда ташкил этишни таъминлаш, юртдошларимизнинг қалбида “Янги Ўзбекистон Конституцияси — менинг Конституциям” деган фахр-ифтихорини янада юксалтириш, албатта, бундай янгиланишларни улар, аввало, қундалиқ ҳаётларида ҳис этишига эришиш борасида биз, халқ вакиллари зиммасида жуда залварли вазифалар турибди. Уларни амалга ошириш учун ҳар қачонгидан кўра фаоллик, масъулият ва фидойилик билан меҳнат қилишимиз талаб этилади.

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Шу йил 30 апрель куни халқимиз ўзининг сиёсий иродасини, бирдамлигини, жипслигини яна бир бор намоиш этиб, ўз хоҳиш-истагининг натижаси сифатида янги тахиррдаги Конституцияни қабул қилди. Давлатимиздан ва унинг тисмолида давлат ҳокимияти органларидан халқ манфаати йўлида хизмат қилиш учун қай даражада ва услубда ишлаш кераклигини ҳам кўрсатиб берди.

Олтита бўлим, йигирма еттита боб, 155 моддадан иборат бўлган янги тахиррдаги Бош қомусимиз олдинги Конституцияга нисбатан қарийб 65 фоицга янгиланди.

Айниқса, Асосий Қонунимизда иқтисодий, ижтимоий, маданий маънавий ҳаётимизнинг турли со-ҳаларида кейинги йилларда амал-га оширилаётган кенг қўламли ис-лохотларни изчил давом эттириш бўйича стратегик мақсадлар ўз ифодасини топгани эътиборга мо-лик. Бинобарин, унинг биринчи моддасида Ўзбекистон — суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат, деб қатъий бел-гилаб қўйилгани тарихий аҳами-ятга эга бўлди. Шу маънода, янги тахиррдаги Конституцияимизни мамлакатимизнинг яқин ва узоқ истиқболдаги барқарор тараққиё-ти ҳамда халқимиз фаровон ҳаёти-нинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси ва ишончли қафолати бўлди, десак, муболага эмас.

Ҳар бир демократик давлатнинг конституциявий асосини инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ташкил қилади. Конституцияга киритилган нормаларнинг яридан қўли ин-сон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш қафолатларини қу-чайтириш ва механизмларини мустаҳкамлашга қаратилгани, ай-

ниқса, давлатнинг халқимиз олди-даги мажбурияти уч баробар ош-гани диққатга сазовор.

Илгари судланганлик факти на-фақат бир шахс, яъни судланган фуқарога, балки унинг оила аъзо-лари, қариндошлари ҳаётига сал-бий таъсир кўрсатарди. Шу сабаб-ли янги тахиррдаги Конституция-мизда шахснинг судлангани ва бундан келиб чиқадиған ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлмаслиги қатъий белгилаб қўйилгани аини мудоао бўлди.

Айтиш жоизки, бугун юртимиз-да янги тахиррдаги Конституция асосида янги ижтимоий-сиёсий муҳит шаклланмоқда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш-нинг мутлақо ўзига ҳос меха-низмлари ҳаётга татбиқ этилмоқ-да. Энг муҳими, давлатнинг фуқа-роларга бўлган ғамхўрлиги янада кучаймоқда, давлат институтилар-нинг фаолияти самарадорлиги ошмоқда, инсон ҳуқуқлари тубдан кенгайилмоқда.

Президентимиз таъбири билан айтганда, “инсон қадри” биз учун қандайдир мавҳум, баландаровоз тушунча эмас. Инсон қадри, де-ганда, биз аввало, ҳар бир фуқа-ронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечеришини, унинг фундаментал

ҳуқуқ ва эркинликларини таъмин-лашни назарда тутамиз”.

Умуман, янги тахиррдаги Конс-титудияда барчанинг — бир то-мондан давлат ва унинг органла-ри тизими, иккинчи томондан, ин-сон, фуқаро ва жамиятнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ ва лўнда қилиб белгилаб берилди. Масалан, янги тахиррдаги Конституциянинг 21-моддасида “Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг ро-зилигисиз қонунчиликда белгилан-маган мажбурий юклатилиши мум-кин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эр-кинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликла-ри ва қонуний манфаатларига пу-тур етказмаслиги шарт”, деб мус-таҳкамлаб қўйилди.

Конституцияимизнинг олий юри-дик қучга эга бўлиб, тўғридан-тўғри амал қилиши ва мамлакат-нинг бутун ҳудудида қўланиши ҳуқуқий давлатнинг муҳим ва асосий қўрнишларидан бири. Конституция нормаларини тўғридан-тўғри ишлаши, шубҳасиз, конституциявий ислохотларнинг муҳим ва долзарб эканидан дало-лат беради.

Мухтасар айтганда, Асосий Қонунимиз янги Ўзбекистоннинг ўз олдига қўйган устувор мақсадлар-ини амалга ошириш, жамиятни янада тараққий эттириш, фуқаро-ларнинг эркинликлари, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўлақон-ли таъминланишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Акшогул ТЎЛЕҒНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

НУҚТАИ НАЗАР

СОҒЛОМ МИЛЛАТ МИСЛСИЗ ИШЛАРГА ҚОДИР

“Ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-моддасидан.

Одам иссиқ жон, бир жойингиз офриса, кўзингизга ҳеч нима кўринмайди, хур-сандчилик ҳам татаймайди. Шу боис ҳар бир инсон ўз саломатлигини биринчи ўринга қўяди. Соғлиғи муҳофазаси учун мамлакатда қандай шарт-шароит, им-коният ва имтиёзлар яратилган бўлса, улардан фойдаланишга интилади. Бу табиий ҳол, албатта.

Ўз навбатида, давлат эса фуқаролар-нинг саломатлигини сақлаш бўйича барча чорани кўради. “Инсон қадри” тамойили асосида халқимиз соғлигини муҳофаза қилиш масаласи янги Ўзбекистон сиёса-тининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш ти-зимини тубдан такомиллаштириш, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ҳамда самара-дорлигини ошириш, малакали тиббий кадр-ларни тайёрлаш, касалликларни профилак-тика қилиш ва барвақт аниқлаш, соҳага янги бошқарув мезонларини, замонавий технология ҳамда даволаш усулларини кенг жорий қилиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бунда табиийки, соҳага оид ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди.

Аввало, янги тахиррдаги Конституция-мизда ҳар ким соғлиғини сақлаш ва ма-лакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эгалиги, айниқса, мамлакатимиз фуқаролари тиббий ёрдамнинг қафолат-ланган ҳажмини қонунда белгиланган тар-тибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли эканлиги ҳам қатъий мустаҳкамлаб қўйил-дики, бу аҳоли ўртасида соғлом муҳитни шакллантиришга катта ҳисса қўяпти.

Шу ўринда қуйдаги ракамга эътибор қаратсак: 2016 — 2022 йилларда Давлат

бюджетидан соғлиқни сақлаш тизими учун ажратилаётган маблағлар қарийб 4 баро-бар ошган. Шиfoxоналар ва тез тиббий ёрдам пунктларини дори-дармон, тиббиёт буюмлари билан таъминлашга ажратилаёт-ган маблағлар 12 баробар кўпайтирилган.

Биргина шу йилнинг ўзида жойларда 22 та оилавий поликлиника, 93 та оила-вий шифокор пункти ва 394 та маҳалла тиббиёт пункти ташкил этилди. Тиббий хизматлар аҳолига яқинлаштирилди.

Тан олиш керак, авваллари мураккаб операциялар учун чет элга бормай илож бўлмасди. Бу борада ҳам муаммолар йи-ғилиб қолганди. Жумладан, юрак жарроҳ-лиги ҳақида ҳам худди шундай фикрни айтиш мумкин. Айниқса, болалардаги кар-диожарроҳлик амалиётлари тўғрисида ало-ҳида тўхталиш жоиз. Бундан 8-9 йил ол-дида биз йилгига 300 та боланинг (бу куни-га битта боладан тўғри келади) юрагида амалиёт бажара олардик. Буюм фақат Тош-кент шаҳрида, академик В. Воҳидов но-мидаги Республика иختисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази-да амалга ошириларди. Бугунга келиб эса 2,5 мингта юрак жарроҳлиги нафақат Тош-кент шаҳрида, ҳатто вилоятлардаги тиб-биёт муассасаларида ҳам бажарилапти.

ФУҚАРОЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА



Доврон ЭРНАЗАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Бундан ташқари, мулк ҳуқуқи кафолатларига rioя этмаслик ҳолатлари сезиларли камайган бўлса-да, ҳали бу соҳада муаммолар сакланиб қолмаётганидан келиб чиқиб, маҳаллий давлат ҳокимиятининг ушбу масалаларда ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларнинг мулк ҳуқуқи бузилиши ҳолатига мутлақо тоқатсиз муносабатини шакллантириш, бу борада профилактик чораларни кучайтириш зарурлиги, баъзи ҳудудларда тадбиркор ўз махсуслотини вилоят ҳудудидан эркин олиб чиқиб кетишда тўқсинликларга учраши ҳолат-

ларини эътиборга олиб, масъулардан товар ва хизматларнинг эркин ҳаракатланиши бўйича конституциявий кафолатларга сўзсиз rioя қилиш талаб этилиши таъкидланди. Махлисда конституциявий ҳуқуқларга rioя қилмаслик ҳолатлари ваколатли давлат органлари диққат-эътибори марказида бўлиши кераклиги, бу билан боғлиқ ҳар бир ҳолат зудлик билан ўрганилиши ҳамда бузилган ҳуқуқларни тиклаш бўйича зарур чоралар қўрилиши лозимлиги ҳам уқтириб ўтилди. Шу билан бирга, Конституциявий суд конституциявий нормаларга rioя этмаслик бўйича тезкор чоралар

қўриш билан чекланмасдан, уларни юзага келтирган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф қилиш бўйича тизимли чораларни қўриб бориш зарурлигини ҳам қайд этди.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг Конституциявий судга мурожаат этиш институтини фуқаролар учун янада қулайлаштириш, конституциявий одил судловга эришишни таъминлаш мақсадида фуқароларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича қўшимча чоралар қўрилиши кўрсатиб ўтилди. Шу билан бирга, судларнинг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисида Олий суд орқали Конституциявий судга мурожаат қилиш ваколатини амалга ошириш тартибини аниқлаштириш тавсия этилди.

Конституциявий суд ҳар қандай ҳуқуқий таъсир чораси асосланган, адолатли, зарур ва ўз мақсадига эришиш учун етарли ҳажмда бўлиши ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини асоссиз, яъни таъсир чораси мақсадида эришиш мумкин бўлган меъёрдан ортқича даражада чекламаслиги лозимлиги ургунланди. Шу муносабат билан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда мутаносиблик, етариллик конститу-

тив-ҳуқуқий ҳужжатларга шарҳ бериш услубиётини ишлаб чиқиш каби масалалар бўйича масъул ташкилотларга тавсиялар берилди.

Махлисда Конституциявий суд Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг қўриб чиқилаётган масала юзасидан фикр ва мулоҳазалари тингланди. Музокараларда сўзга чиққанлар Конституциявий суд ахбороти Ўзбекистон тарихида биринчи марта очик махлисда қўриб чиқилаётгани, унда кўтарилган масалалар мамлакатда конституциявий қонунчилик муҳитини таъминлашга хизмат қилишини қайд этдилар.

Конституциявий суд муҳокама қилинган масалани ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, мутахассис ва экспертларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиб, мамлакатдаги конституциявий қонунчиликнинг ҳолати тўғрисида ахборотни тасдиқлаш ҳамда унинг Конституция талаблари асосида Олий Махлис палаталари ва Ўзбекистон Республикаси Президентига юбориш ҳақида қарор қабул қилди.

Конституциявий суд қарори Қонунчилик маълумотлари миллий базасида ва Конституциявий суднинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ 31 ЙИЛЛИГИ ХОРИЖДА ҲАМ НИШОНЛАНМОҚДА

Давра суҳбати якунида Польшада ўзбек талабалари ассоциациясини ташкил этиш ҳамда турли маданий ва спорт тадбирларини ҳамкорликда ўтказиш тўғрисида келишиб олинди.

Малайзиянинг Осий ва Тинч океани технология ва инновациялар университетида ҳам ушбу сана муносабати давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда ушбу университет вакиллари ва бу ерда тахсил олаётган ватандош талабалар қатнашди.

Анжуманда сўзга чиққанлар, янгиланган Ўзбекистон Конституцияси "инсон — жамият — давлат" тамойилга асосланган ҳолда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари конституциявий даражада мустаҳкам

Қайд этилганидек, Бош қомусимизга киритилган ўзгаришларнинг туб моҳияти давлат сиёсий ҳаётида парламентнинг роли ва маъкеини ошириш, шахсий мулк дахлсизлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва ижтимоий муҳофазасини оширишга қаратилган.

Мамлакатимизнинг Душанбе шаҳридаги элчихонасида ҳам "Янги Ўзбекистон Конституцияси — инсон шаъни, кадр-қиммати ва ҳуқуқларининг мустаҳкам кафолати" мавзюда маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда Тожикистонда вақтинча яшайётган, таълим олаётган ва ишлаётган фаол ватандошлар қатнашди.

Анжуманда сўзга чиққан ватандошлар, ушбу сана улар ҳаётида муҳим ўрин тутушини қайд этдилар. Шунингдек,



ланганини таъкидлашди. Жумладан, Бош қомусимизда ёшлар масаласи алоҳида боб даражасига олиб чиқилгани эътироф этилди. Айни чоғда тадбир иштирокчилари эътиборига ёшларга оид давлат сиёсатининг аҳамияти ҳамда мамлакатимиз ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий жаҳдаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг самарали натижалари ҳақидаги маълумот тақдим қилинди.

Тадбир давомида янги Ўзбекистонни барпо этишда ёшларнинг роли, ўзбек халқининг миллий қадриятлари ва маънавий меросини асраб-авайлаш ҳамда ўзбек тилининг халқро обрўсини ошириш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганнинг 31 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг Токио шаҳридаги элчихонасида фаол ватандошлар иштирокида маърифий тадбир уюштирилди.

Анжуманда элчи Мухсин-хўжа Абдурахмонов Ўзбекистон Президенти томонидан олиб борилаётган ислохотлар, юртимиздаги бағрикенглик ва тинчликни асраб-авайлаш, ёшларни, шу жумладан, хориждаги ватандошларни қўллаб-қувватлаш, уларга кўрсатилаётган эътибор ва қўмак ҳамда яратилаётган шароитлар ҳақида батафсил маълумот берди. Янгиланган Ўзбекистон Конституциясига киритилган янги нормаларнинг мазмун-моҳияти алоҳида таъкидланди.

«Дунё» АА.

ИСЛОМОБОДА «ЎЗБЕКИСТОН — ПОКИСТОН: МУШТАРАК МАДАНИЙ МЕРОС» ФОТОКЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ

— Бугун

Исломободда Покистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 31 йиллигига бағишланган маданий тадбирни ўтказяпмиз. Лекин халқларимиз ўртасидаги алоқаларнинг илдизи минг йилларга бориб тақалади, — деди Саид Жамал Шах. — Буюк Ипак йўли орқали савдо билан бир қаторда адабиёт, мусиқа, меъморчилик ва санъатнинг бошқа йўналишларида фаол алмашинувлар олиб борилган. Бугунги кўргазмада ана шу алоқаларнинг кичик бир қисмига оид суратлар ўрин олган. Покистон жамоатчилиги, айни чоғда, теумурийлар ва бобурийлар қолдирган тарихий-маданий меросни ҳам юксак қадрлайди. Бундан ташқари, Покистон ҳукумати Ўзбекистон Президентининг минтакаларимиз ўртасидаги боғлиқлик ташаббусини катта иштиёқ билан қўллаб-қувватлайди. Марказий ва Жанубий Осий ўртасида иқтисодий ҳамкорлик ва ўзаро савдони кенгайтириш, янги транспорт йўнақларни яратиш, маданий алоқалар ва халқ дипломатиясини ривожлантириш борасидаги лойиҳалар дўстона муносабатларимизнинг тўртинчи ўн йиллигини мазмунан бойитишига аминмиз.



Покистон миллий санъат кенгаши директори Аюб Жамали ўз чиқишида икки мамлакат ўртасидаги барча йўналишдаги алоқалар маданий яқинликка асосланишини таъкидлади. — Ўзбекистон элчихонаси билан биргаликда халқларимиз ўртасидаги яқинлиқни Покистон кенг жамоатчилигига етказиш учун



— Ўзбекистон элчихонаси билан биргаликда халқларимиз ўртасидаги яқинлиқни Покистон кенг жамоатчилигига етказиш учун

ушбу фотокўргазмани ташкил қилдик, — деди у. — Покистон жамоатчилиги фотокўргазмага декабр ойи давомида таширф буюриб, икки давлатнинг ноёб ва муштарак бойлиқларидан баҳра олиши мумкин. Суратларда икки халқ турмуш тарзи ва маданиятининг нақадар ўхшашлиги, тарихий обидаларнинг меъморий уйғунлиги ақс этган. Тадбир икки биродар халқларимиз ўртасидаги тарихий ришталарни қайта тиклаш, минтақавий боғлиқлик ташаббуси доирасидаги лойиҳаларни амалга оширишда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон элчиси Ойбек Усмонов ўз нутқида фотокўргазма кенг жамоатчилиқка маданий яқинлигимиз эътиборини намойиш этиш, уларни сўнгги йилларда ҳадал ривожланиётган ўзаро алоқалар, жумладан, олий даражали мулоқотлар тўғрисида хабардор қилиш учун ташкил этилганини билдирди.

— Ўзбекистон Президентининг Марказий ва Жанубий Осий минтақавий боғлиқлиги ташаббуси маданий ришталарни, адабиёт ва санъат йўналишидаги алмашинувларни қайта тиклаш, ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида жонли мулоқотни янада кучайтиришга қаратилган, — деди дипломатик миссия раҳбари. — Шунингдек, кўргазма зиёрат туризмнинг ривожланиши, ўзаро сайёҳлар оқимининг ошишига катта ҳисса қўшади.

«Ўзбекистон — Покистон: муштарак маданий мерос» фотокўргазмасининг тантанали очилиш маросими Покистоннинг марказий телевидениеси ҳамда электрон ва босма оммавий ахборот воситалари томонидан ҳам кенг ёритилди.

«Дунё» АА. Исломобод

ТУРКИЙ ЭЪЛАР ТАРИХИГА ИЛМИЙ ЁНДАШУВ

Таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилотига аъзо бўлиб кириши тузилма фаолиятини янги босқичга кўтарди. Бугунги кунда туркий мамлакатлар ўртасида дўстлик, яхши қўшничиликни янада мустаҳкамлаш, барча соҳада ҳамкорлик, ўзаро мулоқот майдонини яратиш ва ривожлантириш, Евроосий ҳудудида ҳамда глобал даражада хавфсизликни таъминлаш бора-сидига саяй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу жараёнда таълим, илм-фан соҳаларини

янада тараққий эттириш, муштарак қадриятларни асраб-авайлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш борасида салмоқли ишлар қўйилганди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан билдирилган туркий халқлар бирдамлигини, уларнинг буюқ ўтмиши ва бой маданиятини, азалий қадриятларини ифода этадиган «Туркий дунё хартиясини» соҳанинг етук олимлари ва экспертлар иштирокида ишлаб чиқиш таклифи ҳозирги даврда ниҳоятда муҳим ҳамда

долзарб, — дейди Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори Шерзодхон Қудратхўжа. — Ташкилот вакиллари, туркий давлатлар олимлари, соҳа мутахассисларини бир жойга жамлашга хизмат қилган тадбиримиз ушбу мақсад йўлидаги ҳаракатларни янада жонлантиришга ҳисса қўиши билан аҳамиятли. Президентимиз таъкидлаганидек, туркий цивилизацияни юксалтириш ғояси технологик тараққиёт ва илгор биллиmlарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бевосита боғлиқдир. Ижодий фикрлайдиган,

истеъдодли ва шижоатли ёшларимиз истиқболда туркий дунёнинг янги Ренессансини барпо этишига ишончимиз комил. Бу йўлда уларга буюк аждодларимиз яратган илмий кашфиётлар ва маънавий мерос мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Халқро конференцияда «Туркистонда сиёсат ва бошқарув, туркий давлатчилик аъналарининг асослари», «Туркистонда илм-фан ва маданият ёҳуд Ўрта аср классик ислом маданияти тисмолида Мовароуннаҳр», «Туркистоннинг меъморий обидалари ва санъати», «Туркистоннинг тур-

кий ва минтақа халқлари ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти», «Туркистон ва туркий дунё» каби йўналишларда маърузалар тингланди.

Умуман, конференция иштирокчиларга Туркистон тарихи ва туркий халқларнинг маданий бойлигини илмий жиҳатдан ўрганиш борасида фикр-мулоҳаза алмашиш имконини яратди. Яна бир эътиборга молик жиҳат шуки, анжуман туркий давлатлар тилида олиб борилди. Олимлар ва иштирокчиларнинг илмий мақолалари алоҳида тўплам шаклида нашр этилди.

«Халқ сўзи».

ТУПРОҚ ВА СУВ — ТИРИКЛИК МАНБАИ

Тупроқ ва сув ердаги ҳаётни таъминловчи энг муҳим манбадир. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 95 фоизи тупроқдан олинади ва унинг сифати ушбу икки асосий манба билан ҳамбарчас боғлиқ. Тупроқ ва сув ўртасидаги ўзаро боғлиқлик қишлоқ хўжалиги тизимларининг асосини ташкил қилади.

■ Анжуман

Кеча пойтахтимизда 5 декабрь — Бутунжаҳон тупроқ куни муносабати билан ўтказилган «Тупроқ деградациясининг

олдини олишнинг инновацион технологиялари» мавзюдаги республика илмий-амалий семинарида шу хусусда фикр юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, БМТнинг Озиқ-

овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамда Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда Олий Махлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, шунингдек, олимлар, тадқиқотчилар, миллий ва хорижий мутахассислар иштирок этди. Унда тупроқ ва сув ресурсларини барқарор бошқариш, эрозия ҳамда тупроқ деградациясига қарши курашнинг замонавий усуллари, нейтрал

мувозанатни сақлаш, ер деградацияси ҳамда бошқа долзарб масалалар бўйича маърузалар тингланди.

Семинар давомида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан 5 декабрь — Бутунжаҳон тупроқ куни муносабати билан тупроқшуносликда кўп йиллик самарали фаолият давомида соҳа ривожига қўшган муносиб хизмати учун бир гуруҳ соҳа ходимлари эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Ф. ХУДОЙБЕРДИЕВ («Халқ сўзи»).

Олий Махлис Қонунчилик палатасида



ЯНГИ ИМКОНИАТ ВА ҲУҚУҚЛАР

Олий Махлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси ҳамда Парламент тадқиқотлари институти ҳамкорлигида «Янги тахрирдаги Конституцияда янги имкониятлар ва ҳуқуқлар» мавзюида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, «Инсон қадрини» тамойили асосида қабул қилинган янги тахрирдаги Конституция юртимизда янги ривожланиш даврини бошлаб берди. Шу билан бирга, янги Ўзбекистон ислохотлари самарадорлигини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш ва бу борада белгиланган вазирликлар ижросини удалашда дастуриламал вазирлиги бўлиб қолган.

Шу кунга қадар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, қонунларнинг асосий функцияси ижтимоий муносабатларни тартибга солишдан иборат эди. Янги тахрирдаги Конституцияда эса, асосан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ифодалаш қонунларнинг ажралмас функцияларидан бирига айланди. Шу пайтга қадар қонунчиликнинг қўллаб-қувватлаш бўлиши, ижтимоий ва тиббий ҳимояси, уй-жойли бўлиши, бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш — давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида киритилди. Давлат шу орқали ўз зиммасига муҳим мажбуриятларни олдики, мазкур нормалар, нафақат ёшлар манфаати, балки бутун жамият ва мамлакатимиз келгуси тақдири учун муҳимдир.

Конституцияда инсон фаровон яшаши, давлат барқарор ривожланиши ҳал этилиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунлари билан таъминлаш, мансабдор шахсларнинг фақат фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб фаолият кўрсатиши қатъий белгилаб қўйилди.

— Конституцияда Ўзбекистон — ҳуқуқий давлат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади, деган тамойилдан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқларига оид нормалар бир неча бара-варга кўпайди, — деди Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутати Умида Раҳмонова. — Шу жиҳатдан қараганда, Бош қомусимиз том маънода, халқ Конституциясига айланди, десак, муболага бўлмайди. Ўз навбатида, ёшларнинг таълим олиши, ижтимоий ва тиббий ҳимояси, уй-жойли бўлиши, бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш — давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида киритилди. Давлат шу орқали ўз зиммасига муҳим мажбуриятларни олдики, мазкур нормалар, нафақат ёшлар манфаати, балки бутун жамият ва мамлакатимиз келгуси тақдири учун муҳимдир.

Конституцияда инсон фаровон яшаши, давлат барқарор ривожланиши ҳал этилиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунлари билан таъминлаш, мансабдор шахсларнинг фақат фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб фаолият кўрсатиши қатъий белгилаб қўйилди.



ликлар инсон фойдасига ҳал этилиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунлари билан таъминлаш, мансабдор шахсларнинг фақат фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб фаолият кўрсатиши қатъий белгилаб қўйилди.

— Конституцияда Ўзбекистон — ҳуқуқий давлат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади, деган тамойилдан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқларига оид нормалар бир неча бара-варга кўпайди, — деди Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутати Умида Раҳмонова. — Шу жиҳатдан қараганда, Бош қомусимиз том маънода, халқ Конституциясига айланди, десак, муболага бўлмайди. Ўз навбатида, ёшларнинг таълим олиши, ижтимоий ва тиббий ҳимояси, уй-жойли бўлиши, бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш — давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида киритилди. Давлат шу орқали ўз зиммасига муҳим мажбуриятларни олдики, мазкур нормалар, нафақат ёшлар манфаати, балки бутун жамият ва мамлакатимиз келгуси тақдири учун муҳимдир.

Конституцияда инсон фаровон яшаши, давлат барқарор ривожланиши ҳал этилиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунлари билан таъминлаш, мансабдор шахсларнинг фақат фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб фаолият кўрсатиши қатъий белгилаб қўйилди.

МАРОҚЛИ МУЛОҚОТ, КАТТА ТААССУРОТ

Олий Махлис Қонунчилик палатасида «Конституция — халқчил давлат, барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаёт асоси!» деган бош ғоя асосида ташкил этилаётган маънавий-маърифий тадбирларда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, талаба ёшлар билан бир қаторда, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ҳам фаол қатнашмоқда.

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги 67-мактабнинг 5-синф ўқувчилари қуйи палатада бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиш тарихига бағишланган архив ҳужжатлари кўргазмаси билан ақиндан танишди. Ўқувчиларга дастлаб янги тахрирдаги Конституция, ундаги нормаларнинг ҳар бир инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақида тушуначлар берилди. Болаларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари, бугунги кунда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар натижалари, ёш авлод манфаатлари устувор аҳамиятга эгаллиги, Болалар оғибудсизлигининг фаолияти ҳақида атрофлича маълумот берилди.

— Қонунчилик палатасида уюштирилган кўргазмада иштирок этган ўқувчиларимнинг

таассуротлари жуда катта, — дейди 5-синф раҳбари, рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Максуда Поянова. — Маънавият дарсларида болаларга янги тахрирдаги Конституция бўйича содда тилда тушуначлар берардик. Бугун уларнинг ўзлари Қонунчилик палатасига келиб, Асосий Қонунимизнинг яратилиш жараёни билан ақиндан танишди, фото ва кўлёмаларни диққат билан кузатди. Ўқувчилар кўргазмадаги экспонатлар билан танишиб, Конституция ҳақида, Қонунчилик палатаси, депутатлар фаолияти тўғрисида илк таассуротга эга бўлди. Ва улар орзулари қаторига депутат бўлишдек яна бир яхши ният қўшилдики, бунда бугунги кўргазмага келишимиз катта аҳамият касб этди, десам, муболага бўлмайди.

«Халқ сўзи».

РАҚОБАТБАРДОШ ИННОВАЦИОН МАҲСУЛОТЛАР

Давлатимиз раҳбарининг “2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизнинг қатор шахар ва туманларида инновацион ҳудудлар ташкил этилган.

Бу ҳудудларда илм-фаннинг илғор ишланмалари асосида ўзига хос бизнес лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бухоро вилоятининг Ромитан туманидаги “Gold Pharm Mushrooms” масъулияти чекланган жамияти томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган илмий ишланмалар фикримиз тасдиғидир.

Қарор ва ижро

— Ҳар бир киши микро ва макроэлементларга, витамин ва минералларга эҳтиёж сезади, — дейди мазкур корхона иш юритувчиси Улугбек Икромов. — Хусусан, беморларда бу моддаларга эҳтиёж катта. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан бу талабни қоплаш мушкул. Шундай паллада биологик фаол қўшимчалар асқатади. Биз бу ўринда доривор қўзиқориннинг рейши ва траметес турларидан таркиб топган биологик фаол қўшимчаларни назарда тутяпмиз. Корхонамизда ана шундай қўзиқорин этиштириш ва уни қайта ишлаш йўлга қўйилди. Воқеалар ривожидан ўзиб таъкидламоқчиманки, бизда Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчи бўлиб қўзиқоринлар этиштириш ва уларни қайта

бошлаган. Йиллар давомида бой тажриба тўплашган. Ҳозир қўзиқорин уруғи ҳам корхонанинг ўзида тайёрланмоқда. Уни этиштириш ва қайта ишлаш орқали ўттиз кишининг бандлиги таъминланган.

Ҳисоб-китобларга қараганда, битта кичик халтада интенсив усулда уч ой давомида 2-2,2 килограмм қўзиқорин этиштириш мумкин. Бунинг учун ўртача 20 минг сўм харажат қилинади. Тайёр ҳосилни сотишдан тушган маблаг эса бундан икки-икки ярим баравар кўп. Бу ерда



йилнинг икки мавсумида импорт ўрнини босадиган тонналаб шундай маҳсулот этиштирилаётгани, доривор қўзиқоринга хориждан ҳам харидорлар чиқаётгани инобатга олинса, ушбу инновацион лойиҳанинг истиқболли экани кўзга яқол ташланади.

Ана шундай ўзига хос ишланмаларнинг яна бири Ёғдўвон инновацион ҳудудида амалга оширилди. Гап “Ilm bilan yuksal” масъулияти чекланган жамияти томонидан нефть ва газ sanoati корхоналари учун юқори босимда ишлайдиган шарли кранлар тайёрлашга қаратилган лойиҳа ҳақида бормоқда.

— Бундай маҳсулотлар шу кунга қадар республикада ишлаб чиқарилмади, четдан импорт қилинарди, — дейди лойиҳа ташаббускори Тўлқин Сирожев. — Вақоланки, уларга талаб катта. Биз ўз имкониятимиздан келиб чиққан ҳолда йилга 60 та шундай шарли кранлар ишлаб чиқара оламиз. Маҳсулотимиз хорижникига нисбатан деярли икки баравар арзон. Ҳар бири 5,5 миллион сўм туради. Сифатли. Рақобатбардош. Агар металлнинг ўзимизда қуйиш билан боғлиқ режамиз рўёбга чиқса, маҳсулот таннархи янада арзонлашади. Яқин истиқболда ишчи ўринлари сонини ҳам 50 тадан ошириш ниятидамиз.

— Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига мувофиқ, илмий ва назарий жиҳатдан пухта асосланган қатор инновацион лойиҳалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, — дейди Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси Икром Муродов. — Ромитан туманидаги “Turon Komplekt” масъулияти чекланган жамиятининг тескари осмос технологияси асосида сув фильтрлари, “Revmo — Gloves” корхонасининг артрит билан касалланган беморларни ультратовуш орқали даволаш учун махсус қўлқоп, Қорақўл туманидаги “Megacuster” масъулияти чекланган жамияти томонидан гидророника усулда чорва ёмиши ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳалар шулар жумласидандир.

Шу ўринда мазкур лойиҳанинг иқтисодий жиҳатдан ҳам ўзини тўла оқлаётганини таъкидлаш жоиз. Лойиҳа ташаббускорлари ишни “ноль”дан

ишлашнинг миллий технологияси яратилди ва амалиётга татбиқ этилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, қўзиқориннинг рейши тури Осиёда кенг тарқалган. У дунёда машhur. Фақатгина рейшининг жаҳон бўйлаб йиллик сотуви 2 миллиард АҚШ долларидан ошади. Қўзиқориннинг бу икки туридан тайёрланган биологик фаол қўшимчалар тамоман импорт маҳсулот саналади. “Gold Pharm Mushrooms” масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари импорт ўрнини босадиган шундай маҳсулот тайёрлаш йўлида салмоқли қадамларни ташлади. Бу ерда шу йилнинг баҳоридеъ 14 тонна истеъмол учун қўзиқорин этиштирилди ва қайта ишланди. Корхона маҳсулотлари тайёр ҳамда яримтайёр маҳсулот сифатида ички бозорда ҳамёнбop нархларда сотилмоқда.

— Лойиҳамиз Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан грант ажратиш орқали қўллаб-қувватланди, — дея давом этади У. Икромов. — Гап шундаки, биз гўшт ва оксилга бой маҳсулотлар ўрнини босувчи қўзиқоринни интенсив усулда қўпайтириш, консерваланган ҳолда қайта ишлаш билан чекланиб қолмаяпмиз. Биологик фаол қўшимча учун ҳам ашё этиштиряпмиз. Жаҳон табиётида онкологик касалликларни даволашда кимё-терапияси била биргаликда қўлланиладиган саратонга қарши инновацион биологик фаол қўшимча ҳам тайёрляпмиз. Утган йилда Тошкент фармацевтика институти билан доривор қўзиқоринларнинг кимёвий таркиби ва уларнинг ёмон сифатли ўсмаларга тўғридан-тўғри таъсирини ўрганиш мақсадида меморандум ҳам имзолаганмиз.

Умуман олганда, бу каби инновацион лойиҳалар фан ҳамда амалиёт уйғунлигини таъминлаган ҳолда вилоят, республика иқтисодиёти раванкига хизмат қияпти, аҳоли бандлигини таъминлашда қўл келмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

ҲАЁТ СУҒУРТАСИ УНИНГ БИЗ УЧУН АҲАМИЯТИ НИМАДА?

Кейинги йилларда мамлакатимизда миллий суғурта бозорини жадал ривожлантириш орқали истеъмолчиларнинг унга бўлган ишончини ошириш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳаёт суғуртаси йўналишида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.



Мушоҳада

Ҳўш, ҳаёт суғуртаси нима ўзи? У қандай пайдо бўлган?

Аввало, айтиш лозимки, у жамғариш воситаси ва бир вақтнинг ўзида инсонларнинг ҳаёти давомида уларни шахсий ёки оила бюджетининг номунасосиблигига ва турмуш даражасининг пасайишига олиб келадиган, ҳаёти, соғлиги ҳамда меҳнат қобилияти билан боғлиқ турли ҳоҳсалар юз берганда моддий таъминлашнинг комплекс тизимини яратиш орқали молиявий ва ижтимоий ҳимоялашга, шу билан бирга, инсон ҳаётида юз берадиган бахтли ҳодисалар билан боғлиқ молиявий эҳтиёжни қондиришга йўналтирилган фаолият тури ҳисобланади.

Ҳаёт суғуртасининг жамғариб бориладиган тури таваккалчиликсиз шахсий суғурта бўлиб, унинг ёрдамида суғурталанувчи ўзининг молиявий аҳолини янада яхшилаш учун қўшимча даромадга бўлган эҳтиёжини қондиради.

Яна бир савол туғилиши мумкин: Ҳаёт суғуртаси давлатга нима беради? Таъкидлаш жоизки, у узок муддатлилик хусусиятига эга бўлиб, аҳолининг катта қисmini қамраб олади, унинг воситасида катта ҳажмда пул маблағлари тўплангани ва уларни иқтисодиётнинг турли соҳаларига узок муддатли инвестиция сифатида йўналтириш имконияти юзага келади.

Иккинчидан, ҳаёт суғуртаси ижтимоий ҳимоя хусусиятини намоян этади, давлат ўз фуқароларининг ижтимоий ҳимоясини амалга ошириш функциясини бажаришда ундан фойдаланади. Масалан, чет эл тажрибасида аҳолининг кам таъминланган ва чекка ҳудудларидаги қатламлари учун алоҳида микросуғурта лойиҳалари ишлаб чиқилган бўлиб, улар орқали давлат уларнинг турли бахтсиз ҳодисалар натижасида кўрган зарарларини суғурта воситасида қоплаш, оила ўз бокувчисини йўқотганда моддий таъминлаш, ижтимоий шароитлари яхшилаш тадбирларини амалга оширади. Бунинг учун уларни ёлпасига суғурталанган ҳолда суғурта муқофотларини давлат маблағлари ҳисобидан тўлаб беради.

Микросуғурта Нобель муқофоти совриндори, Бангладешлик банкир ва иқтисодчи Мухаммад Юнус томонидан ишлаб чиқилган микромолиялаштириш лойиҳалари натижаси бўлиб, Осиё ва Африкадаги миллионлаб кам таъминланган шахсларга бизнес очиш ва ўзи сотиб олишга ёрдам берди.

“American International Group Inc.” (AIG) 1997 йилда Угандада микросуғуртани тақдир қилган биринчи компаниялардан бири бўлиб, хизматлар бўйича полисларни сотишни бошлади.

Тез орада унга “Swiss Re”, “Munich Re”,

“Allianz” ва “Zurich Financial Services” каби бошқа йирик суғурта ва қайта суғурта компаниялари ҳам қўшилди. Бугунги кунда кам таъминланган аҳолини молиявий йўқотишлар таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида қўллаб инновацион микросуғурта маҳсулотлари ишлаб чиқилган.

Молиявий ҳолат ҳаммининг кун тартибидagi асосий мавзу. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЕСД) томонидан 2017 йилда олиб бориладиган тадқиқотлар ривожланаётган мамлакатларда катта суғурта бўлиши борлигини кўрсатди. Даромад даражаси паст бўлганлар аънавий суғурта маҳсулотларини сотиб олиш имкониятига эга эмаслиги ва бу уларнинг кўп турдаги рисклардан ҳимояланмай қолишига сабаб бўлмоқда.

Илгари суғуртадан фойдаланиш бойлар учундек кўринган бўлса, турли ишчи гуруҳлар заиф қатламга суғурта зарурат эканини ва унга кириш барча учун таъминлашни кераклигини тушунтириш учун ўқитиш йўлида қаттиқ ишламоқда. Микросуғурта ушбу тенгсизлиكنи йўқотишга қаратилган воситадир. У чекка ҳудудлардаги ҳамда кам таъминланган кўп сонли аҳоли қатламлари учун кичик суғурта муқофотлари авазига ҳаёти ва бизнес фаолиятида тез-тез учрайдиган ва уларнинг ўзи бериши мазкур аҳолининг янада қашшоқлашуви олиб келадиган рискларни суғурта орқали бошқаришга қаратилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда давлат ўз фуқароларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида суғурта муқофотларини марказлашган ҳамда маҳаллий маблағлар ҳисобидан тўлаб бериш орқали аҳолининг маълум қатламларини ёлпасига суғурталашга эришади. Бу эса суғурталовчилар учун ҳам яхши имконият яратилишига олиб келади.

Ҳаёт суғуртаси — узок муддатли инвестиция қилишнинг энг қулай ва ишончли усулларидан бири бўлиб, Фарбий Европа, АҚШ, Сингапур ва Японияда унинг улуши жами суғурта бозорининг 60 — 70 фоизини ташкил этади ва аҳолининг қарийб 90 фоизи жамғариб бориладиган суғурта полисларига эга. АҚШда мазкур тур бўйича муқофот киши бошига ўртача 700 АҚШ долларидан тўғри келади, дунё бўйича ушбу кўрсаткичнинг ўртача миқдори 400 АҚШ долларига тенг.

Ўзбекистонда ҳаёт суғуртаси мустақиллик йилларида қандай шаклланди ва бугунги кунда у қай ҳолатда?

Айтиш керакки, 2003 йил декабрда иқтисослаштирилган “Ўзбекинвест ҳаёт” биринчи шўбага компанияси ташкил этилди. 2009 йилга келиб яна битта ҳаёт суғурта-

сига иқтисослаштирилган “Alfa Life” компанияси тузилди. 2019 йилда бундай тузилмалар 8 тага етди. Натижада Ўзбекистонда жами суғурта хизматларига нисбатан ҳаёт суғуртасининг ҳиссаси 2022 йил натижалари бўйича 25,4 фоизни ташкил этди. 2011 йилда ушбу кўрсаткич атиги 1,8 фоиз эди. Уша йилда киши бошига тўғри келган суғурта муқофотлари 114 сўмни ташкил этган бўлса, утган йилда ушбу кўрсаткич 44025 сўмга етди. 11 йил ичида сезиларли ўсиш ўзи берди.

Жорий йил натижалари бўйича қилинаётган прогнозга кўра, ҳаёт суғуртасининг ҳиссаси кескин тушиб кетиши кутилмоқда. Олти ойлик натижаларга кўра, унинг ҳиссаси 5 фоизни ташкил этди.

Ҳўш, бунинг сабаби нимада?

Солиқ кодексига киритилган ўзгаришга кўра, 2023 йил 1 апрелдан жисмоний шахсларнинг ҳаётини узок муддатга суғурталаш учун тўлаган суғурта муқофотлари бўйича даромад солиғи имтиёзи бекор қилинди.

Маълумки, ривожланган давлатларда аҳоли даромадлари юқори даражада, ушбу мамлакатларда инфляция жуда паст. Бу икки омил ҳаёт суғуртасининг ривожланиши учун асосий драйвер ҳисобланади. Шундай бўлса-да, мазкур мамлакатларда ҳаёт суғуртаси бўйича солиқ ва бошқа имтиёзлар амал қилмоқда. Натижада ушбу давлатлар суғурта бозорларида ҳаёт суғуртасининг ҳиссаси 50 фоиздан ортиқни ташкил этмоқда. Чўнки имтиёзлар тақдир қилиш орқали ҳаёт суғуртасини ривожлантиришдан давлатнинг манфаатдорлиги мавжуд, бу — фуқароларни ижтимоий ҳимоялашни ушбу суғурта орқали амалга ошириш ҳамда бир вақтнинг ўзида ички инвестициявий имкониятлардан самарали фойдаланишга эришишдан иборат.

Мисол тариқасида, АҚШда киши бошига тўғри келадиган ҳаёт суғуртаси муқофотлари 700 АҚШ долларига тенг эканини ва аҳолиси 328 млн. кишидан ортиқлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бир йилда тўланадиган узок муддатли маблағлар салкам 300 млрд. АҚШ долларини ташкил этмоқда. Бу шунча маблағни иқтисодиёт соҳаларига инвестиция сифатида йўналтириш мумкин, дегани.

Агар мамлакатимизда аҳолининг 30 фоизи ҳаёт суғуртасига қамраб олинса ва улар томонидан бир йилда ўртача 100 АҚШ доллари суғурта учун тўланса, демак, бир йилда унинг ҳисобидан тўпланган 1 миллиарддан ортиқ маблағ иқтисодиёт соҳаларига инвестиция сифатида йўналтирилган бўларди.

Ҳаёт суғуртаси бўйича солиқ имтиёзининг бекор қилингани натижасида их-

Умуман олганда, мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоизидан ортиғи ўрта қатламга мансублиги, 60 фоизидан ортиғини ёшлар ташкил этиши ва халқимиз турмуш даражасининг ортб бораётганини эътиборга олганда, ҳаёт суғуртаси катта потенциалга эга. Унинг ижтимоий ҳимоя хусусияти ҳамда йирик инвестициявий маънага айланиши мумкинлигидан келиб чиқиб, соҳани давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган ҳолда ривожлантиришни таъминлаш ҳар қачонгидан-да муҳим.

Қамариддин Қўлдошев,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори.

ФАРҒОНАДА КОРЕЙС ТИЛИНИ ЎҚИТИШ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Фарғона шахрида Корея Республикасининг “Posco International Textile” компанияси томонидан ўтган йили бунёд этилган Ёшлар таълим маркази қошида корейс тилини ўқитиш маркази фаолият бошлади.

Ўқув марказининг тантанали очилиш маросимида Фарғона вилояти ҳокимилиги, халқаро ҳамкорлик ва таълим соҳаси масъуллари, ўқувчи ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Таълим



Шунингдек, тадбирда Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Ким Хи Санг иштирок этди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Фарғона вилояти ва Жанубий Корея ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бормоқда. Тадбиркорлик, инвестициялар жалб этиш, таълим ва соғлиқни сақлаш, маданий ҳамкорлик доирасидаги дўстона муносабатлар бугун сифат жиҳатдан янги босқинга кўтарилди.

— Ҳозирда рус ва инглиз тилини мукамал билан, — дейди Фарғона шахридаги хорижий тилларни ўқитишга ихтисослаштирилган 2-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Кристина Чен. — Келажакда хорижда қўшни мақсад қилганман. Шу боис ушбу марказда корейс тилини кўн билан ўрганишга киришдим.

Айтиш жоиз, марказга 13 ёшдан юқори бўлган ёшлар қабул қилиниб, уларга 4 ойлик бепул ўқув курслари ташкил этилади. Бугунги кунда бу ерда 50 нафар тингловчи таълим олмоқда.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

ЁЗ НЕЪМАТЛАРИ — ҚИШ ДАСТУРХОНИГА

Қашқадарё вилоятида ҳар йили пишиқчилик мавсумида қарийб 170 минг тонна турли мева-чева, 100 минг тоннадан ортиқ узум, 180 минг тонна атрофида картошка ҳамда 520 минг тоннага яқин сабзавот маҳсулотлари етиштирилади.

Омилкорлик

Албатта, пишиқчилик мавсумида йиғиб, саранқомлаб олинган ушбу неъматларнинг бир қисмини узок вақт давомида сифатли сақлаш қилш ва баҳор фаслида бозорларимизда озиқ-овқат маҳсулотларининг сероблигини таъминлаш, қолвераси, ички истеъмолдан ортиқ маҳсулотни экспортга йўналтириш қамровини оширишда устувор аҳамият касб этади.

Китоб туманида фаолият юритаётган “Тағоб мевалар нур” масъулияти чекланган жамияти таъсисчилари ҳам 2018 йилда 1300 тонна сиғимча эга йирик совиткичи омборхонани ишга туширган эди. Бугунги кунда бу жамият тасарруфидagi боғларда етиштирилган меваларни сифатли сақлаб, қилш ва баҳор ойлари давомида бозорга чиқариш имконини бермоқда.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюртма Г — 1241. 32 472 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоши келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопилбаст 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41.

ЎЗА яқуни — 21.35

Топширилди — 23.15

1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-ўй.

Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.

Мусаҳҳих — С. Исламов.